

Бухоро давлат тиббиёт институти
Нормал ва патологик физиология кафедраси

Маъруза матни мавзуси:
ПАТОФИЗИОЛОГИЯ ФАНИ, ВАЗИФАЛАРИ, МЕТОДЛАРИ
Маърузачи: Тураев У.Р.

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вакти – 2 соат	Талабалар сони: 36 - 70 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	Патофизиология фани? Фан тарихи. Фаннинг асосий вазифалари. Урганиш усуллари. Норма, соғлиқ, касалликлар хақида тушунча. Касалликлар классификацияси яланиш принциплари. Патофизиологиянинг клиникадаги урни.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Патофизиология фани урганиш усуллари, Мақсад ва вазифалари, Клиникадаги урни хақида йулланма бериш.
Педагогик вазифалар.:	-Патологик физиология фан тушунчаси. -Фаннинг урганиш усуллари.-касалликлар классификацияси. -клиникада патофизиологиянинг урни.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, курғазмали.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.Расм ва Плакатлар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, Оммавий.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, (ёки компьютер) билан жихозланган аудитория, Расм ва плакатлар.
Мониторинг ва баҳолаш	Саол-жавоб, назорат.

Маъруза материалларининг технологик харитаси

Иш соати ва босқичи	Ўқитувчи	Талабалар
Тайёрлаш босқичлари	1. Маърузага тайёрланиш 2.Маърузанинг кириш қисмига слайд тайёрлаш 3.Фойдаланилган адабиётлар	Талабаларнинг давомати
1.Маъруза кириш (15мин)	Маърузанинг мақса два вазифалари билан танишиш	Тинглайдилар ва ёзадилар
2.Асосий босқич (55мин)	1.Мавзуни тушунтириш, слайдлар такдимоти 2.Тарқатма материалларни ишлатиш	Тинглайдилар ва ёзадилар
3.Хулоса.	Хулоса	Тинглайдилар

Паталогик физиология фани. Унинг вазифалари, Патологик физиология медико-биологик ва клиник фан сифатида унинг урни.

Патологик физиология (тўғрироғи — патофизиология) касал организм ҳаёт-фаолиятини, функцияларининг ўзгаришларини ўрганувчи фан. Урганиш мавзуи (объекти) касал организмдир. Шу сабабли патофизиология барча тиббий-биологик фанлар билан узвий боғлиқ. Унинг асосини бир томондан, биология, морфология, физиология, биологик кимё ҳамда физика каби фанлар ва иккинчи томондан, клиник медицинанинг барча жабҳаларига оид фанлар ташкил этади.

Маълумки, медицинанинг барча фанлари, соҳалари ва тармоқларининг асосий ўрганиш объекти, мақсади ҳам — бу касаллик, касал инсон, касалликларнинг сабаблари, уларнинг ривожланиши, олдини олиш, даволаш, соғлиқни тиклаш ва беморнинг меҳнат қила олиш қobiliятини сақлаб қолиш тadbир-чора ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш каби мураккаб масалалардан иборатдир.

Патофизиология касалликларнинг организмни турли интеграция (бир-бирига боғлиқ айрим тузилмалари) даражасида — молекуляр, органеллалар, ҳужайра, унинг мембраналари, тўқима, орган, системалар ва нixoyт унинг яхлит ўзида, яъни организм даражасида юзага келиши, ривожланиши, кечиши ва oқибатларини, умумий ва хусусий қонуниятларини ўрганади. Патофизиология умуман патология ҳодисаларини, чунончи касалликларнинг пайдо бўлиши, кечиши, содир бўладиган жараёнларга улар ўртасидаги бирлик ва фарқларга ҳамда бу борада организмнинг жавоб реакцияларига доир масалаларни ўрганиш ва таҳлил этишда, тарихий — эволюцион филогенетик ва онтогенетик (организмнинг хусусий ёки шахс сифатида) ривожланишда ташқи муҳит билан бўлган ўзаро муносабатларини ўзгариб бориши нуқтаи назаридан ёндашишга интилади.

Биринчидан, ҳар бир касаллик маълум бир сабаб (ёки сабаблар тўплами) таъсиридан, унинг хусусияти ва хоссаларига кўра, мавжуд бўлган маълум шарт-шароитда, аввало ташқи муҳитнинг организм билан мураккаб ўзаро муносабатлари натижасида юзага келади. Касалликни чақирувчи сабаблар нixoyтда кўп ва улар биологик (масалан, бактериялар, вируслар, паразитлар, мавжудотлар захари ва ҳ.к.), физик (масалан, механик зарба, иссиқлик, совуқлик, тезланишлар, нур ва ҳ.к.), кимёвий (масалан, кислота, ишқор, оғир металллар, тузлар ва ҳ.к.) каби омиллардир.

Иккинчидан, уларнинг таъсирида касалликнинг юзага келиши ҳамда ривожланишига фақат сабабнинг табиати эмас, балки ташқи муҳит ижтимоий ва экологик омиллар ҳамда беморнинг хусусиятлари каби шарт-шароитлар ўртасидаги муносабатларга ҳам бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган мураккаб бир ҳодиса деб қарашни уқтиради.

Касалликларни патофизиология нуқтаи назаридан таҳлил этишда кенг ва чуқур мулоҳазалар юритиш, фақат айрим шахс касаллигини эмас, балки ушбу касаллик ва унинг асосида ётувчи тарихий-эволюцион илдизга эга бўлган патологик реакциялар, жараёнлар ҳамда ҳолатлар, шахснинг генетик ва ўз ҳаётида орттирган хусусиятлари, ташқи ижтимоий-экологик муҳит омиллари билан муносабати, беморнинг ҳимоявий ҳамда мосланиш, умумий (носпецифик) ва махсус (специфик) реактивлик имкониятларини жамлаштирилган ҳолда тасаввур этиш, oқибатда касалликни эмас, балки биринчи навбатда беморни даволаш ҳамда парвариш этиш қobiliятини шакллантиради.

Патофизиология фан сифатида ушбу масалаларни ўрганишда ўзига хос тўрт гуруҳдаги методологик асослардан фойдаланади.

1. Тирик объектлар (жониворлар)да эксперимент (тажриба) утказиш методи. Эксперимент турли ҳайвон ва бошқа тирик мавжудотларда, ҳужайра ичи, айрим ҳужайра, тўқима, орган, система ва яхлит организм даражасида ҳар хил патологик жараёнларни,

имконияти борича касалликларнинг моделларини ҳосил қилиш ва уларда тахмин этилаётган касаллик сабаблари, ривожланиш механизмларини, унинг юзага келишида ташқи муҳит омилларининг ролини ва турли дори-дармонлар таъсирини (экспериментал терапия асосларини) ўрганиш ва ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Замонавий медицина умумий ва хусусий муаммоларига оид масалаларни ечишда экспериментал методдан кенг фойдаланади. Бу метод организмда патологик жараёнларни ҳар хил (ўткир ва сурункали) таъсиротда динамик равишда ва ҳар интеграл даражада ҳайвонларда ўрганиш имкониятини берсада, олинган натижаларни тўғридан-тўғри инсонга татбиқ қилиб бўлмайди, албатта.

2.Клиник тадқиқотлар методи. Такомиллашган классик ва замонавий биологик, функционал, биокимёвий, биофизик, электрофизиологик, иммунологик ва бошқа турли клиник-лабораторияга хос функционал-диагностик методлардан фойдаланиб беморларни текшириш патологиянинг типик шакллари ва айрим касалликларни ўрганиш ҳамда олинган натижаларини умумий ва хусусий патофизиология нуқтаи назаридан таҳлил этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни беради.

3. Замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларини қўллаб физикавий ва математик моделлашдан фойдаланиш услублари ҳам, айниқса тиббий биологик нуқтаи назаридан имконияти бўлмаган кўрсаткичларни, турли патологик жараёнларнинг ривожланиш механизмларини, оқибатларининг олдини олиш ва даволаш чораларини ишлаб чиқишда катта аҳамият касб этади.

4. Олинган натижаларни чуқур, ҳар томонлама таҳлил этиш ва илмий назарияларнинг концепцияларини шакллантириш методи.

Илгари олинган ва борган сари ортиб бораётган маълумотларни тўплаш, уларни объектив фалсафий ва методологик асосларда тўғри таҳлил этиш, тартибга тушириш, хулоса чиқариш, қолаверса маълум назарияларнинг амалий медицина учўн зарур бўлган илмий асосларини ишлаб чиқиш — патофизиологиянинг ва ушбу муаммоларга шу нуқтаи назардан ёндашувчи барча бошқа соҳа мутахассисларининг муҳимвазифаларидан биридир.

1. Маълумки, яхлит организм ва унинг айрим орган ҳамда системаларнинг нормал ҳаёт-фаолияти табиатнинг тасодифий, аммо эҳтимоллигини билса бўладиган сабаб — оқибат принципидаги қонунлар асосида амалга ошади. Бундай ҳаёт-фаолиятнинг шакллари ва қонуниятларини «Нормал физиология» (тўғрироғи — «Физиология») ўрганади.

2. Таснифий характери бўйича турлича бўлган касалликларда ана шу умумий қонуниятлар доирасида сон жиҳатидан нисбатан унча кўп бўлмаган кўринишларнинг бир хил ёки деярли бир тарзда (**стереотип**) такрорланиши кузатилади. **Типик (бир тоифали ёки турдаги)** патофизиологик жараёнлар деб ном олган ана шундай бирликларни мунтазам равишда ўрганиш патофизиологиянинг иккинчи асосий таркибий қисмини ташкил этади.

3.Таҳлиллар шуни кўрсатадики, турли касалликларнинг сони ниҳоятда кўп бўлишига қарамай ҳар бир айрим орган ва системанинг функциялари бузилишида ва тикланишида ўзига хос ёки специфик бўлган типик шакллари мавжуд.

4. Ана шу қонуниятларни ўрганиш натижасида турли патологик жараёнлар ва касалликларнинг моделларини лаборатория ҳайвонларида чақириб, ҳар хил даволаш восита ҳамда услубларининг илмий экспериментал терапевтик асосларини ишлаб чиқиш ҳам патофизиологиянинг муҳим вазифаларидан бири.

«Патофизиология» деган қисқартма ном икки терминдан - «патология» ва «физиология» сўзларидан ташкил топган. «Патология» грекча — pathos — азобланиш, озор чекиш, касаллик, logos — таълимот, фан, «физиология» эса — phyziz — табиат ва logos сўзларидан келиб чиққан.

1 — қисм «Умумий патофизиология» бўлиб, «Нозология», «Этиология», «Патогенез», **2 — қисм** «Типик патологик жараёнлар» ва **3-қисм** «Орган ва системалар патологиясининг типик шакллари» сингари бир неча бўлим ҳамда мавзуларни ўз ичига олади.

Нозология (грекча — nosos, лотинча morbus — касаллик) касалликда содир бўлувчи морфологик, функционал ҳамда биокимёвий ўзгаришларнинг тиббий асосларини қамраб олувчи, шунингдек унинг пайдо бўлиш сабаблари, шароитлари, ривожланиш механизмлари ва таснифлаш асослари ҳақидаги медицина

таълимотидир. Тарихий ривожланишга кўра умумий ва хусусий нозология тафовут қилинади.

Қуйидаги ҳолатлар касаллик эволюциясининг асосий томонлари ҳисобланади:

1.Тирик мавжудотлар такомиллашиб борган сари уларда юзага келувчи касалликлар ҳам мураккаблашади, уларнинг ривожланиш механизмлари ҳамда аломатлари хилма-хил бўлиб боради.

2.*Homo sapiens* турининг пайдо бўлиши ва унинг фақат биологик эмас, балки ижтимоий маънода ҳам эволюцияси унинг инсон сифатида шаклланиши ва сақланиб қолишига имконият беради, бусиз у ҳеч қачон цивилизация ва илмий тараққиёт юзага келтирган сунъий муҳитсиз яшай олмаган бўларди.

3.Биологик жihatдан кам мослашган зотларнинг омон қолиши уларнинг осонгина касалланишига ҳам шароит яратади, улар орасида патологиянинг шундай шакллари пайдо бўладики, улар ҳайвонлар орасида тарқалмаган (ошқозон яраси, гипертония касалликлари, бронхиал астма, ҳар хил дерматозлар, рухий касалликлар ва ҳ.к.), учрамайди ҳам.

ШИКАСТЛАНИШ - КАСАЛЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ БИРЛАМЧИ АСОСИ Ҳар бир касаллик сабабининг табиати ва хусусиятига қарамай, ҳужайра, тўқима, органлар ва булар орқали бутун организмнинг шикастланишидан бошланади. Тирик тананинг турли даражада (молекуляр, субҳужайралар, тўқима, орган, организм) шикастланишидан келиб чиққан тузилиши ва функциясининг бузилиши нормал ҳаётга тўсқинлик қилади ва ташқи муҳит шароитида организмнинг мосланган ҳолда яшашини қийинлаштиради. Ҳужайра шикастланишининг энг умумий шакли — бу ҳужайра модда алмашинувининг ўзгариши — унинг дистрофияси, паранекрози, некробиози ва ниҳоят ҳалокати — некрози ҳисобланади.

Ҳужайралар шикастланишининг асли ҳолига қайта оладиган ва асл ҳолига кела олмайдиган ҳамда махсус (специфик) ва умумий (носпецифик) турлари фарқ қилинади.

Организм ҳужайралари, тўқималари, органлари ва системаларининг шикастланиши касалда ҳар хил реакцияларни келтириб чиқаради. Реактивлик ҳар қандай тирик организм учун хосдир. Реактивлик — яхлит организмнинг ва шунингдек, унинг органлари ва ҳужайраларини муҳит таъсирида ҳаёт фаолиятини ўзгартириб жавоб бериш қобилиятидир. Реактивлик тирик организмнинг моддалар алмашинуви, ўсиши, кўпайиши каби муҳим хусусиятидир. Инсон ва ҳайвонларда кузатиладиган реактивликнинг ҳар хил ўзгаришлари асосан ҳимоя-мослашув характериға эға, бошқача қилиб айтганда, реактивлик — муҳитнинг зарарли таъсирларига организмнинг чидамлилиқ-бардошлилигининг (резистентликнинг) умумий механизмидир.

Филогенезда юзага келган реактивлик ҳар хил турларининг ривожланиш қонуниятлари қисқартирилган шаклда онтогенезда ўз ифодасини топади: толерантлик — барқарорлик — реактивликнинг пассив шакли сифатида, фагоцитар реакция, гуморал иммунитет, аллергия шулар жумласидандир. Шикастланишга жавоб реакцияси турли даражада — субҳужайра, ҳужайра, мембрана, орган, системалар ва бутун организм даражаларида шаклланади ва ўзига хос ҳар хил хусусиятларға эға бўлади. Реактив ўзгаришлар инсон шикастланганида ва касалланганида алоҳида мураккабликка етади, ундаги реактив жараёнлар нормада ҳам, патологияда ҳам маълум даражада ташқи муҳит ва ижтимоий омиллар, яшаш шароитлари ва фаолияти билан боғлиқ.

ПАТОЛОГИЯДА СИФАТ МУАММОСИ

Соғлиққа нисбатан касаллик организмнинг янги сифат ҳолати, янги яшаш ва фаолият қилиш шаклидир. Сифат, хусусиятға қараганда анчагина мураккаб категория, хусусият эса сифатнинг энг содда ифодаларидан биридир.

Ҳар бир касалликнинг сифат жиҳатидан ўзига хослиги унинг бирини иккинчисидан фарқлаш ташхиси — дифференциал диагнозини ва касалликларнинг турли шакллари нозологик синфлаш, яъни таснифининг асосини ташкил қилади.

Сифат, категория тарзида ҳодиса, нарса, модда ҳамда буюмларнинг миқдор кўрсаткичи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Миқдор кўрсаткичларига бемор танасининг вазни, унинг ҳарорати, қони ва сийдигининг ҳажми, метаболитлари ва ҳ.к. киради.

Миқдор ва сифат (ўзгарувчан) тўхтовсиз ҳаракатда ва ривожланиш ҳолатида бўлади.

НОРМА – СОҒЛИҚ ВА КАСАЛЛИК ОРАСИДАГИ ЎТКИНЧИ ҲОЛАТ

(КАСАЛЛИК АРАФАСИ)

Организмнинг энг қулай ҳолати, унинг доимо ўзгариб турувчи ташқи муҳит шароитларига нисбатан (бешикаст, ўз имкониятлари ҳисобига) мослашувини меъёр (норма) деб қабул этиш мумкин. Бунда организмнинг барча даражалари — молекуляр, хужайра, тўқима, орган, системаларининг ва умуман яхлит физиологик фаоллиги ташқи муҳит шароитларига кўра ички муҳитнинг имкониятларини доимо маълум чегара доирасида ўзгартириб — гоҳо кучайтириш, гоҳо пасайтириш, умуман мослаштириш, ўзгартириш қобилияти туфайли уни нормада сақлаб касалликка олиб келмайди. Соғлиқ — аслида организмнинг табиий ҳолати бўлиб, унинг ташқи муҳит билан мослаша олиши, касалликка хос ўзгаришларнинг йўқлиги, жисмоний, руҳий ва ижтимоий хотиржамлиги, эсономонлиги билан ифодаланади. Ана шундай тушунчани Жаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти таърифлаб берган. Бироқ норма ва соғломлик тушунчалари кўп жиҳатдан нисбийдир. Соғлом инсонда жисмоний меҳнат вақтида физиологик жараёнлар фаоллигининг (масалан, юрак қисқариши, нафас ва моддалар алмашинувининг тезлашуви ва ҳ.к.) кучайиши нормал ҳодисадир. Сокин ҳолатда юрак қисқаришлари, нафас ва моддалар алмашинувининг кучайиши эса организмда у ёки бу касалликнинг мавжудлигидан дарак беради. Шунингдек, овқат қабул қилгандан кейин ошқозон, ошқозон ости бези, ичак безлари секретиясининг ортиши нормал ҳодисадир. Аммо, овқат қабул қилиш билан боғланмаган ҳолларда улар секретиясининг ортиши касаллик аломати бўлиши мумкин.

Амалий медицинада бунга оид жуда кўп мисоллар ва далилларни келтириш мумкин.

ПАТОЛОГИК РЕАКЦИЯ, ПАТОЛОГИК ЖАРАЁН ВА ПАТОЛОГИК ҲОЛАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Патологик реакция деб, таъсирловчининг кучига мос келмайдиган тузилма — функционал бирликларнинг қисқа муддатли, содда реакциясига айтилади. У нормал ҳолат ва шароитда ҳам кузатилиши мумкин, касалликда эса айнан шу реакцияларнинг кучи ва сифати жиҳатидан четга чиқади. Патологик реакциялар одатда саломатликни жиддий ва узоқ муддатга ўзгартирмайди. Масалан, кон босимининг қисқа муддатга кўтарилиши ёки пасайиши, тизза рефлексининг кучайиши ёки заифлашуви, артериолаларнинг кенгайиши, касал чақирувчи қитиқловчига жавобан шилимшиқ модданинг ажралиши ва ҳ.к. шуларга киради.

Патологик жараён деб, шикастланган тўқима, орган ва яхлит организмда патологик реакция билан бир вақтда ҳимоя-мослашув реакцияларининг уйғунлашиб, бир-бирига таъсиридан содир бўлган ҳодиса тушунилади. Масалан, яллиғланиш, иситма ва ҳ.к. Патологик жараён касалликка айланиши ёки қайта тикланиб, нормаллашиб кетиши мумкин.

Патологик ҳолат — бу аста-секин ривожланаётган патологик жараён ёки унинг натижасидир. Патологик ҳолат ҳомила она қорнида ривожланаётган даврда бошланиши мумкин, масалан, туғма нуқсонлар ва маймоқликлар. Баъзида патологик ҳолат ўткир патологик жараёнларнинг оқибатида юзага келади, бунга яллиғланиш охирида ёки терининг куйган сатҳида чандиқ пайдо бўлишини мисол қилиш мумкин. Чандиқ тўқимасида моддалар алмашинуви содир бўлади, коллаген ва эластик толалар янгидан пайдо бўлади, демак чандиқ узоқ муддат сақланувчи

патологик ҳолатдир. Патологик ҳолат унга ҳар хил патоген омиллар таъсир кўрсатганида қайтадан патологик жараёнга айланиши мумкин. Масалан, хол (нор) каби патологик ҳолат механик, кимёвий ёки радиацион қўзғатувчилар таъсирида меланома ўсмасига (тез ривожланувчи патологик жараён) ўтиши мумкин. Бу патологик жараён билан патологик ҳолат ўртасида аниқ чегара йўқлигини кўрсатади.

ТИПИК ПАТОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Инсон ва сут эмизувчиларда ҳар хил патологик жараёнлар доимо ҳужайра ҳамда тўқималарнинг алоҳида патологик реаксияларининг турли нисбатда биргаликда — комбинациялари шаклида учрайди. Уларни типик патологик жараёнлар деб аталади. Масалан, яллиғланиш, иситма, шиш, ўсмаларнинг ўсиши, дистрофия ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Барчатирик жараёнлар эволюцион тараққиёт натижасида шаклланган бўлиб, уларда бир томондан шикастланиш ва айни вақтда юзага келувчи ҳимоя-мосланиш реакциялари намоён бўлади.

ҳимоя реакциялари. Организмнинг ҳимоя-мослашув тўсиқларига терининг эпителий қатлами, шиллиқпардалар, калла суяги, кўкрак қафаси, суяк-мушак аппарати ва қорин деворининг мушаклари киради. Бу тўсиқлар организмни қатор зарарли омиллардан ҳимоя қилади. Гемато-энцефалитик тўсиқ бош миёна тўқимасини қон, тушган ҳар хил зарарли моддаларнинг унга киришидан ҳимоя қилади. Аслида, қоннинг буфер системалари ҳам тўсиқ механизмларига киради, чунки улар ёрдамида қоннинг ўзига хос муҳити ва ҳолати энг қулай ҳолда сақланади. Ичак-жигар тўсиғи организмни ичакда ҳосил бўлган захарли маҳсулотларнинг қон айланиш доирасига ўтишидан ҳимоя қилади.

мослашув реакциялари. Баъзи бир одатдан ташқари таъсирлардан пайдо бўладиган шартли ва шартсиз рефлекслар ҳимоя реакциялари қаторига киради. Ҳимоя рефлекслари туфайли организм патоген омилларнинг зарарли таъсиридан сақланиши, тозаланиши ва патологик жараён ривожланишининг олдини олиши мумкин. Функционал мослашув реакцияларига содда ва мураккаб ҳимоя ҳаракат рефлекслари, жумладан, йўтал, қусиш, қон йўқотиш, яллиғланиш ва иситмадаги, шунингдек баъзи иммунитет, аллергиядаги реакциялар киради.

компенсатор реакциялар. Патоген қўзғатувчиларнинг узок муддатли таъсири натижасида компенсатор-ҳимоя реакциялари пайдо бўлади.

. Ҳар хил патологик қўзғатувчилар таъсир этганда организм ҳужайралари, тўқималари, органлари ва системаларининг тузилиши — морфологиясининг путурдан кетиши

Шундай қилиб, касалликда организм яхлит ҳолда ўзида мавжуд барча ҳимоя-мослашув, компенсатор ва тикланишга йўналган реакцияларини фаол ҳолда жалб қилади. Ушбу реакциялар ўртасида мураккаб ўзаро муносабатлар вужудга келади ва асосан уларнинг асосий моҳияти организмни патоген қўзғатувчилар таъсирига нисбатан чидамлилигини таъминлашга қаратилган бўлади.

КАСАЛЛИКНИНГ КЕЧИШИ ВА ОҚИБАТЛАРИ. Ҳар бир касаллик асосан ўзига хос клиник кечишга эга ва бу ҳар бир одамнинг, патоген омилнинг табиати, таъсир этиш хусусиятлари билан боғлиқ. Умуман, экзоген омиллар — патоген қўзғатувчининг хусусиятлари, кучи, таъсир этиш давомлилигига ва ҳ.к., эндоген омиллар эса ирсий мойиллик, ёш, жинс, касалликдан олдинги ҳолат ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Аммо, шунга қарамай, касаллик ривожланишида шартли равишда қуйидаги умумий даврларни фарқ қилиш мумкин:

Латент ёки яширин давр — патоген қўзғатувчи организмга тушиб, ўз таъсирини кўрсатиши, яъни касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлгунча

ўтган вақт оралиғи. Яширин давр бир неча секунд ва дақиқадан (масалан, механик жароҳатланиш, ўткир захарланиш ва ҳ.к.) тортиб, бир неча кун, ҳафта, ойлар, йил ва ҳатто ўн йиллаб (баъзи ирсий, юқумли, моддалар алмашинуви бузилишидан бўладиган касалликлар ва бошқалар) давом этиши мумкин. V. Яширин даврнинг муддати патоген қўзғатувчининг кучига ва организмнинг қаршилиқ кўрсатиш хусусиятларига боғлиқ. Патоген қўзғатувчининг кучи организмнинг қаршилиқ қилиш хусусиятларидан устунлик қилса, яширин давр қисқа бўлиши, акс ҳолда у узокдавом этиши мумкин.

Яширин давр фақат касалликнинг намоён бўлишидан олдин бошланибгина қолмай, балки мавжуд касалликнинг авж олишида оралиқ давр сифатида ифодаланиши ҳам мумкин. Масалан, безгак касаллигининг ҳар галги хуружи орасида яширин давр кузатилади, бу қонда паразитлар — текинхўр касал қўзғатувчиларнинг ривожланиши, кўпайиши ва ўз патоген таъсирларини намоён қилиши учун зарур вақтдир.

«Латент» сўзи амалий тиббиётда бошқа маънода ҳам ишлатилади, бунда бу алоҳида касалликларнинг клиник кечишини, хусусиятларини белгилаш учун ишлатилади. Бундай ҳолда касаллик клиник аломатларсиз кечади ва фақат касал организмда анчагина жиддий патологик ўзгаришлар содир бўлгандагина намоён бўлади. Масалан, сил касаллигининг, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг латент даври.

2. Продромал давр (грекча — *прогнота* — касаллик нишонаси, даракчиси) касалликнинг биринчи аломатлари юзага келганидан бошлаб, то унинг ҳамма асосий клиник симптомлари тўла намоён бўлгунча — ривожлангунча ўтадиган муддат. Бу даврда ҳар бир касалликка хос ёки специфик клиник симптомлар, хусусиятлар эмас, балки исталган касалликларга, яъни организмнинг касалга дучор бўлганлигидан дарак берувчи аломатлар пайдо бўлади. Масалан, умумий аҳволнинг сустратиши («маза қочиши»), иситмалаш, жисмоний фаоллиқнинг пасайиши, турли нохушликлар ва ҳ.к. шунга киради. Уларни ўз вақтида пайқаб, касалликни бошланғич симптомларини аниқдаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

3. Касалликнинг клиник симптомлари яққол кўринган — авж олган даври (Асте) — касалликнинг дастлабки аломатлари юзага келгандан бошлаб, унинг ҳамма клиник, шу жумладан, ҳар бир касалликнинг ўзига хос симптомларининг ҳам тўла ривожлангунча ўтган давр. Касалликнинг бу даврида унинг аниқдиагнозини — ташхисини қўйишга муваффақ бўлинади. Аммо ҳар хил, айниқса қўшимча омилларнинг таъсири туфайли, масалан (касалликнинг унча билинмайдиган шакллари, касалнинг ёши, жииси, реактивлиги хусусиятлари) уйда ўз-ўзини даволаш ва ҳ.к. сабабли ҳамма вақт ҳам бунинг имкони бўлавермайди.

1. Соғайиш (у ҳам ҳар хил, тўла, чала, асоратли ва ҳ.к. бўлиши мумкин).

2. Рецидив (лотинча *recidivus* — қайталаниш, янгидан бошланки) 3. Ўткир турдан сурункали ҳолат — шаклга ўтиш.

4. Ўлим. организмнинг соғайиши. Соғайиш — бу ҳам ниҳоятда мураккаб ҳимоя, мослашув, компенсатор, тикланиш жараёнларининг мажмуи бўлиб, улар организмда касаллик билан бир вақтда ташқи муҳит билан организм ўртасидаги бузилган алоқаларни бартараф қилиш, соғлиқни тиклаш ва мувозанатни сифат жиҳатидан янги даражада тиклашга қаратилгандир. Тўла ва чала соғайишлар фарқ қилинади.

Тўла соғайишда касаллик натижасида организм аъзо ва системаларида юзага келган структур-функциялар бузилишларининг қайтадан тикланишига эришилади. Аммо, тўла тузалиш организмни касаллик бошлангунча бўлган дастлабки ҳолатига қайтиш деган маънони англатмайди. Соғайган организм, унда касалланишгача бўлмаган, сифат жиҳатидан фарқланувчи баъзи янги хусусиятларига эга бўлади. Масалан, қандайдир юқумли касалликдан тузалгач касалликнинг организмда патоген омили (антигени)га қарши махсус иммун антителолар пайдо бўлади, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги, ажратиш жараёнлари кучаяди.

Адабиётлар:

1. Патологическая физиология. Под ред. А.Д.Адо, Москва, 2001г.
2. Н.Х.Абдуллаев, Х.Я.Каримов "Патофизиология" Ташкент, 1998.
3. Патологическая физиология.Под ред. Н.Н.Зайко,Киев.1995.
4. Адо А.Д., Новицкий В.В., "Патологическая физиология", Томск,1994.
5. Патофизиология (курс лекций) под ред.П.Ф.Литвицкого-М., 1995.
6. Овсянников В.Г.Патологическая физиология:Типовые патологические процессы. Изд. Рост. ун-та,1987.
7. Патологик физиологиядан амалий машгулотлар буйича кулланма. Под ред.Н.Х.Абдуллаева, Тошкент,1994.
8. А.А.Хусинов,Е.Г.Лемелева.Руководство к практическим занятиям по патологической физиологии. I и II часть,Ташкент,1996,1998.
9. Горизонтов П.Д. Гомеостаз М.,Медицина,1990.
10. Чернух А.М.и др.Воспаление,1977.